

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

9 Май Инсон қадри улуг, хотираси абадийдир

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Прокуратура иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги қонунийликни таъминлайди

Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПФ-5019-сон Фармони билан прокуратура органларига ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган устувор вазифалар топширилди.

Ҳужжатга мувофиқ қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назорат амалга оширилади:

➤ ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажаришни, амалга оширилаётган ислохотларга тўсқин бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

➤ тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни;

➤ аҳоли билан тўғридан-тўғри очик мулоқот ўрнатишни, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш-

ни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришни;

➤ профилактика тадбирларининг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги тадбирларнинг таъсирчанлигини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

➤ кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни, янги иш ўринлари яратиш дастурларини амалга оширишни, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни;

➤ малакали тиббий ёрдам кўрсатишни, аҳолига арзон дори воситалари етказишни, таълим жараёнининг сифати ва таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни;

➤ фуқароларга арзон уй-жой ажратишни, уй-жой сотиб олиш учун, биринчи навбатда, ёш оилалар, етим болаларга кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратишни, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни;

➤ табиий ресурслар, ер майдонларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни.

Бош прокуратура тузилмасида қуйидагилар ташкил этилди:

Ижтимоий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси (Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси негизда);

Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси (Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси негизда).

Бундан ташқари, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун масъул бўлган Бош прокурори ўринбосари лавозими жорий этилади.

Ўзгартирилган муносабати билан Бош прокуратуранинг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси, шунингдек Ҳарбий прокуратура ва унинг янгиланган ташкилий-штат тузилмалари тасдиқланди.

Иссиқлик таъминоти ислохотлари

Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2912-сон қарори билан 2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Дастур бўйича Ўзбекистонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб маҳаллий қозонхоналар ва хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ишлаб чиқариш ташкил қилинади. Яъни марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимига

уланган кўп квартиралар уйлар ва маъмурий бинолар бундан буён қурилмайди. Уларни иситишда энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналар ёки хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланилади.

Маҳаллий қозонхоналар ХУМШларнинг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, пудрат ташкилотларининг маблағлари ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалиғи ривожлантириш жамғармаси маблағлари

ҳисобига қурилади, хонадонлар ички яқка тартибдаги иссиқлик таъминоти тизими эса турар жой ва нотурар жой хоналари мулкдорларининг маблағлари, шунингдек тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига ўрнатилади.

Республикаимизда ишлаб чиқарилмайдиган, Дастурни амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар 2023 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

ХУМШ йиғимларининг энг кам миқдори давлат томонидан белгиланади

Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари маъқулланди.

5 йилга мўлжалланган тегишли Дастур ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Дастурга қуйидагилар киритилди:

➤ кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий фой-

даланиладиган жойларини мукамал ва жорий таъмирлаш параметрлари;

➤ кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш параметрлари;

➤ кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш параметрлари;

➤ кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс тадбирлар.

Режалаштирилган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш доирасида тижорат банклари томонидан «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича 5 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратилади. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўп

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

УКХ соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқини кимлар ва қандай қилиб бузмоқда: 1 чорак яқунлари

7-БЕТ

Хусусийлаштирилгандан кейин уй-жойга бўлган ҳуқуқни қандай исботлаш мумкин

8-БЕТ

Таътил тўловларининг ҳисоб-китоб тартиби қонунчиликда белгиланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**РЕСПУБЛИКА ФАРМАЦЕВТИКА
САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР
ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

(Кўчирма)

Сўнгги йилларда фармацевтика соҳасида маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. 2010–2016 йилларда ушбу соҳада 501,9 млн доллар инвестиция, шу жумладан, 135,6 млн доллар миқдорда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ўзлаштирилди, 99 та янги саноат объекти ишга туширилди. Натижада маҳаллий дори воситаларининг улуши ички бозордаги умумий ҳажмга нисбатан 55 фоиздан ошди. Мамлакатимиздаги корхоналар томонидан 2000 турдан кўпроқ дори воситалари ишлаб чиқарилади, уларни маҳаллийлаштиришнинг ўртача даражаси 62 фоизни ташкил этади.

Шу билан бирга, маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмлари импортини қисқартиришнинг талайгина резервлари мавжуд.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, ички бозорни маҳаллий хом ашё ресурслари негизда ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлдириш, фармацевтика саноатини ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзфармсаноеат» ДАК, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

импорт қилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 февралдаги 49-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий этилмайдиган дори воситалари Рўйхатига тиббиёт буюмлари киритилсин;

импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий этилмайдиган дори воситалари Рўйхатини янгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 февралдаги 49-сонли қарори билан тузилган Ишчи гуруҳига ҳар чоракда таклифлар киритсин.

2. Ҳисобот даври якунлари бўйича тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришдан олинadиган тушум улуши умумий реализация ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган шундай буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилотлар 2021 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

3. 2021 йил 1 январга қадар дори воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашёни импорт қилишдаги божхона тўлови ва акциз солиғига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсаноеат» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 апрель.
ПҚ-2911-сон.

УШБУ СОНДА

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этиш
– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори
1-2, 8-бетлар

• **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
– Қарзингиз йўқми? Энди бўлади!
– Янги вазирлик иш бошлади
– Коммунал хизматлар учун ушланмалар – ходимнинг ёзма розилиғи билан
– Домофон учун ҳақ тўлашни истамайман
– Келишамиз ёки хизматни буюртирамиз

– Эҳтиёт бўлинг: «Энергогербалейф»
– Турмушда электр қувватини тежашнинг 12 усули
3-6-бетлар
• **СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ**
– Хусусийлаштириш қоидаларига кўра
– Меzon имкон берса

– Назорат устидан назорат
7-бет
• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Кадрлар хизматлари ходимлари диққатига!
– Таътил пули ҳисоб-китоби
8-бет

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқи ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа маъналарда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati MЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

**Янги ҳужжатларни тақдим этиш**

хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш-тиклаш ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун аввал ажратилган кредитлар қарз олувчиларнинг аризаларига биноан 5 йил муддатга узайтирилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган Ягона ҳисоб-китоб маркази томонидан ҳамда унинг шаҳар ва туманлар (туманлараро) филиаллари ХУМШларга шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматлари кўрсатилади.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, **кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар**

жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланadиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади.

ХУМШлар бошқарувининг раиси «Коммуналуқув» ўқув-услубий маркази» ДУҚда ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади. Уни лавозимдан озод этиш эса ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдирномасига кўра амалга оширилади.

Қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган корхоналар аниқланди

Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-5022-сон Фармони билан иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Тижорат банкларига улар томонидан аввал тақдим қилинган кредитларнинг қайтарилмаслиги натижасида мулк сифатида қабул қилинган кўчмас мулк объектлари негизда банк ва унинг бошқарув компанияларининг иштирок улуши 100%гача бўлган янги корхоналар ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш танлов савдоларида амалга оширилади, бунда тижорат банклари ўртасида кимосди савдолари ўтказилмайди.

Юқорида айтиб ўтилган корхоналар уларни салоҳиятли инвесторга реализация қилинган пайтдан бошлаб 3 йил мобайнида фойда солиғи, ЯСТ, мол-мулк солиғи, ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланadиган рўйхатлар бўйича ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш учун олиб келинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар **2019 йил 1 апрелга қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.**


Шу билан бирга энди салоҳиятли инвесторларга сотиладиган корхоналар, шу жумладан янгидан ташкил этилган корхоналар бўйича сотиб олиш тўловлари, шунингдек уларнинг устав фондларидаги улушлар бўйича тўловлар улар томонидан бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фоизлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин. Сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўланганидан кейин тасарруф этиш ҳуқуқи инвесторга ўтади.

Ўтказилган хатлов натижасида қуйидаги 3 та рўйхат шакллантирилди:

2020 йилга қадар «ягона дарча» марказларида 68 та давлат хизмати жорий қилинади

Вазирлар Маҳкамасининг 25.04.2017 йилдаги 239-сон қарори билан 2018–2020 йиллар даврида фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвали тасдиқланди.

Шундай қилиб, кейинги йилдан товарни вақтинча олиб кириш (олиб чиқишга), товарни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришга ва божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома, телекоммуникациялар





МУНДАРИЖА:

- ✓ Қарзингиз йўқми? Энди бўлади!
- ✓ Янги вазирлик иш бошлади
- ✓ Коммунал хизматлар учун ушланмалар – ходимнинг ёзма розилиги билан

- ✓ Домофон учун ҳақ тўлашни истамайман
- ✓ Келишамиз ёки хизматни буюртирамиз
- ✓ Эҳтиёт бўлинг: «Энергогербалайф»
- ✓ Турмушда электр қувватини тежашнинг 12 усули



Долзарб мавзу

Қарзингиз йўқми? Энди бўлади!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасига (бундан кейин – Кўмита) газ таъминоти ташкилотлари устидан шикоятлар авжига чиққан кўринади. 2017 йил I чорагига улар УҚХ масалалари юзасидан барча мурожаатларнинг (1 323) 70%ини (921) ташкил этди ва ўтган йилларнинг шу давридаги ўхшаш кўрсаткичлардан ошди. Табиий газ етказиб берувчилар коммунал соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузиш бўйича мутлақ чемпион бўлиб қолмоқдалар. Томонларнинг ўзаро муносабатлари доим мураккаб бўлган. Истеъмолчилар учун бу УҚХдаги энг муаммоли идора бўлса ажаб эмас. Газчиларни қонунга риоя этишга даъват қилиш, истеъмолчилар у ёқда турсин, назорат органлари учун ҳам мушкул иш. Йилнинг дастлабки 3 ойи статистикаси ортиб, томонлар муносабатларидаги жиддий муаммолардан далолат бермоқда.

Салмоқли тўловлар тўланмаслиги соҳа корхоналарининг самарали ривожланишига имкон бермаяпти, албатта. Уларни сўндириш мақсадида газ етказиб берувчилар имкони борида барча усулларни ишга солиб, кўпинча қонун ҳужжатларини писанд қилмай, муаммони инсофли тўловчилар зиммасига юклаб қўя қоляптилар. «Қарз йўқми – топамиз!» ёндашувидан келиб чиқяптилар. Йилдан йилга асоссиз қарзларни ҳисоблаб ёзишнинг янги чизмаларини кашф этишда анча муваффақиятга эришганларини қайд этиш лозим. Кўмитанинг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бўйича бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимов бу ҳақда батафсил ҳикоя қилади.

– Агар абонент базасига назар ташласангиз, бугун истеъмолчиларнинг қарийб 100%и туман газ таъминоти ташкилотлари (бундан кейин – тумангаз) олдида қарздорлар. Бу ҳолатни англаш мушкул, лекин аслида ҳам шундай. Агар инсофли тўловчи бўлсангиз ва қарзингиз йўқлиги ҳақида маълумотнома керак бўлиб қолса, бунини узоқ исботлашга тўғри келишига тайёр турунг. Қарзингиз йўқлигини тасдиқловчи маълумотномани олдингиз дейлик. Бир-икки соат ўтган ёки эртаси кунини



*Тахририят истилофли вазиятларни тахсил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга вақолатли эмас.

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

эса, компьютер қаршисида бошқа оператор ўтирганда қарзингиз борлигини маълум қиладилар. Маълумотлар базасида ўлда-жўлда ҳисоб юритилган, газчиларни уни тартибга солишга ундай олмайсиз.

Муаммо устидан анчадан буён бош қотирамыз. Гап нимада? Такмиллашмаган дастур, билимсиз операторлар, етказиб берувчининг найрангларими? Масалан, абонент ҳисоблагичга қараб тўлайди. Маълумотлар базасида ҳисобга олиш асбобиغا кўра реал истеъмол ва яшовчилар сони, газ ускуналарни миқдоридан келиб чиқиб истеъмол қилиш нормаси ҳақида ахборот бор. Моҳиятан олганда, бу устун газ истеъмолини таҳлил қилиш мақсадида киритилган. Кўпинча ҳисобланмалар ҳисоблагич кўрсаткичларига биноан эмас, истеъмол нормасига қараб қилинади. Ёки бундан ҳам ўтиб тушадилар: аввал ҳисоблагичга биноан, кейин эса норматив бўйича ҳисоблайдилар. Биттагина «лекин»ини айтмаса, бу техник хато эканлигига ишонгинг келади. Истеъмолчи судга ёки Қўмига мурожаат этиши, ҳисоблаб ёзилган қарз асоссизлигини исботлаши мумкин. Далилларни ўрганиб ва қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаб, етказиб берувчига кўрсатма берамиз, материалларни прокуратурага топширамыз. Афсуски, асоссиз қарзни қайта ҳисоблашга эришиш жуда мушкул.

Охири пайтда газ етказиб берувчилар 5–10 йиллик қарзларни кўрсата бошладилар. Даёво қилиш муддати (3 йил) мавжуд, албатта. Фуқаролик кодексининг 149-моддасига мувофиқ, бу истеъмолчи ўзининг бузилган ҳуқуқини даёво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Бироқ уларнинг кўпчилиги газчилар билан судлашишга шошилмайди. Афсуски, истеъмолчиларимизда ўз манфаатларини судда ҳимоялаш маданияти йўқ. Уларнинг ниманидир исботлашлари ҳам қийин.

Ҳисоблагичларни қиёслашга келсак, умуман олганда масала ечимини топди. Истеъмолчиларнинг кўпчилиги уни ўтказиш зарурлигини биладилар. Етказиб берувчилар уларга қиёслашлар оралиғидаги интервал ўтаётганлигини эслатиб турадилар. Бироқ у ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни ахборот базасига киритиш муаммоси аввалгидек ечилмай қоляпти. Агар истеъмолчи ушбу жараёни ўзи назорат қилмаса, қиёслаш ўтказилмаганлиги учун ҳисоблаб ёзишлари аниқ. Тагин абонентларни хабардор қилмаган ҳолда уларни бир неча йил учун тақдим этадилар, бу ҳам қонунбузарлиқдир. Бунинг устига маълумотлар базасига ахборот бериш – тумангаз ходимларининг иши. Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 30.07.2014 йилда 2604-сон билан рўхсатдан ўтказилган) 27-бандида назарда тутилишича, тумангаз ходими қиёслашдан сўнг ҳисоблагични ўрнатишдан олдин сертификатнинг мавжудлигини текширади. Истеъмолчи маълумотлар базасига ахборот киритилиши учун газчига унинг нусхасини тақдим этиши керак. Бироқ етказиб берувчининг вакиллари бунга бир қилиб, бир қилмайдилар. Ана шунда ҳаммаси чаппасига кетади. Тумангаз ходими бунга қилишни унутса, айби учун ҳеч қандай жавоб берайди.



Истеъмолчи эса, аксинча, вақтини кетказиб, навбат кутиб, маълумотномаларни тўплаб, ҳеч қандай қоидабузарлик қилмаганлигини исботлаши керак.

Сўнгги пайтда газ таъминоти ташкилотлари ходимлари газ истеъмоли ҳақида тўлашнинг белгиланган муддатларини ўтказганлик учун ҳисоблаб ёзишни бошладилар. Уй-жой кодексининг 134-моддасига мувофиқ, коммунал хизматлар ҳақи ҳар ойда, ўтган ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланиши керак. Шу муддатда коммунал хизматлар учун тўловлар тўланмаган тақдирда жисмоний шахслар кечиктирилган ҳар бир кунга 0,1% миқдорида, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар. Шунча йил давомида кимгадир пеня ҳисобланган, кимгадир – йўқ. Ҳозир тумангаз идоралари газ истеъмоли ҳақидаги тўлаш муддатларини таҳлил қилиб, ҳатто 1–2 ой муддатни ўтказганлик учун бир неча йилга кейинги сана билан пеня ҳисоблай бошладилар. Кўпчилик истеъмолчилар улардан пеня ундирилган-ундирилмаганини исботлай олмайдилар – узоқ вақт ўтган, квитанциялар сақланиб қолмаган. Етказиб берувчилар учун бу аниқ муддао. Аванс тўловларига ҳам шундай ёндашилмоқда.

Ҳисоблагичсиз газ ҳақи тўланганда вафот этганига анча бўлган оила аъзосига ҳисобланмалар эвазига қарз юзага келиши мумкин. Бунда абонент етказиб берувчига ўз вақтида ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этган бўлади, у эса базада йўқ бўлиб чиқади. 5–10 йилдан кейин эса аллақачон ҳаётдан кўз юмган оила аъзоси учун қарз ҳисоблангани ҳақида билдиришнома олади. Буни оила таркибидаги ўзгаришларни абонент базасига ўз вақтида киритмаган газчиларнинг ишга совуққонлиги ёки иш бериб қолар қабилда атайин қилинган иш деб қабул қилиш мумкин. Нима ҳам дейсиз, бунга ақлга сиздириш қийин...

Ёки киши квартира сотиб олиб, уни расмийлаштиради, етказиб берувчи билан шартнома тузади. Хотиржам яшаб, газ ҳақини тўлайди, шунда аввалги уй эгасининг катта қарзи борлиги ҳақида билдиришнома келади, нимагадир янги мулкдордан уни тўлашни талаб қиладилар. Нега у тўлаши керак? Ахир кўчмас мулк олди-сотдисиде нотариусга қарз йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этилади, янги уй

эгаси квартиранинг аввалги соҳиби қарзлари учун жавоб бермаслиги керак. Демак, аввалги эгасининг қарзи бўлган, у маълумотномалар берувчи ходим билан «келишган». Охир-оқибат қарз юзга қалқиб чиққан. Бунинг учун аввалги мулкдор ва тумангазнинг беғам ходими жавоб беришлари керак. Ана ўшаларни суроққа тузатиш лозим. Бунинг учун нотариусга тақдим этилган маълумотномани кўтариш, уни ким берганига қараб, квартиранинг янги эгасига эмас, ўша ходимга даъво билдириш ўринли. Айбсиз мулкдорга нисбатан жазо чоралари қўлланади. Соғлом фикрга, барча норма ва қоидаларга зид иш кўришда давом этилади.

Хисоблагичларни ўз вақтида кўздан кечирмайдиган, ахборот базасидаги маълумотларга тузатиш киритмайдиган газчиларнинг бепарволиги ва масъулиятсизлиги туфайли ҳисобланмалар чапласа бўлади. Маълумотлар базасини йўлга қўйиш: қарзларни асосли равишда ҳисоблаш, қалбаки эмас, реал ҳисобланмаларни юритиш керак дея уларга неча мартабала мурожаат қилганмиз. Барибир парво қилмайдилар.

Коммунал хизматлар учун қарзлар оммавий тартибда суд буйруқлари асосида, судлар тўламаслик сабабларини аниқламаган шариоитда ундирилади. Тўғри, тўламайдиганлар билан курашиш зарур. Бироқ улар орасида қалбаки қарзи бўлган истеъмолчилар ҳам бор.

Коммунал хизматларни етказиб берувчилар истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланган қарз суммасини қайтармоқдалар. **Жорий йилнинг I чорагида Қўмита томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқиши натижалари юзасидан истеъмолчиларга коммунал хизматлар учун қайта ҳисоб-китоблар қилинган ва 800 млн сўмга яқин маблағ қайтарилган.**

Кескинлик камайди

Электр таъминотига келсак, истеъмолчилар ва етказиб берувчилар орасида бундай кескинлик кузатилмайди. Шу йилнинг биринчи чорагида электр таъминоти соҳаси устидан шикоятлар 18,9%ни (250) ташкил этди. Назоратчилар электр ҳисоблагичларни мунтазам кўздан кечириб, кўрсаткичларни солиштирмақдалар. Бироқ текширувчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидан пломбаларни узиши муаммоси ҳал этилмагачи, бу ҳақда «Норма маслаҳатчининг 9.03.2014 йилдаги 9-сониди («Хисоблагич пломбаси шикастланган. Айб кимда?») сўз юритганмиз. Шу сабабли айрим истеъмолчилар уларни квартирага ўтказишга бошладилар, бироқ етказиб берувчилар йўлакка қайтариб қўйишни талаб қиладилар. Уларга шуниси қулай. Ҳисоблагич қаерга ўрнатилиши кераклигини аниқ тартибга солуви ҳужжат йўқ. Электр энергисидан фойдаланиш қоидаларининг (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Қоидалар) 98-бандида айтилишича, зинапоя майдончаларида ўрнатилган электрни ҳисобга олиш приборларининг сақланиши ва бутлиги учун ХУМШ ҳамда уй-жой тасарруфига бўлган идора жавоб беради. Бироқ электр ҳисоблагичи ХУМШ

аъзоларининг умумий мол-мулки эмас, балки квартира соҳибларининг хусусий мулки. Нима сабабдан улар учун ширкат жавоб бериши керак?

Кучланишнинг ўзгаришига дахлдор саволлар ҳал этилмаганича қолмоқда. Бу соҳада қиёслаш билан боғлиқ муаммолар йўқ деса ҳам бўлади. Бирин-кетин электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда, улар Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (ЭИХНАТ) уланмоқда. Фуқаролар улар кимнинг ҳисобга алмаштирилиши билан қизиқмоқдалар. Қоидаларнинг 103-бандида назарда тутилишича, эскилари ўрнига ЭИХНАТга уланадиган янги ҳисобга олиш приборлари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳисобга ўрнатилди. ВМнинг 1.11.2013 йилдаги 295-сон қарори 2-бандида ҳам айтилишича, алмаштириш ва замонавий электрон приборларни ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Алмаштириш жадалга кўра амалга оширилмоқда. Бунда эски ҳисоблагич жойида ва соз ҳолатда бўлиши керак, акс ҳолда истеъмолчи электрон ҳисоблагични ўз ҳисобидан сотиб олишига тўғри келади.

Мурожаатлар сони камайди

Жорий йил I чорагида иссиқлик таъминоти хизматлари бўйича истеъмолчиларнинг мурожаатлари камайди. Улар 3,7%ни (43) ташкил этди ва квартиралар иситилмаслиги; бир неча қарздори деб инсофли тўловчиларга азият етказган ҳолда бутун уйда иссиқ сувнинг ўчирилиши; квартирада яшамайдиган фуқароларга асоссиз ҳисобланмалар (иссиқ суви ҳисобга олиш прибори бўлмаганда) ва ҳ.к. билан боғлиқ.

Бугун иссиқлик таъминоти соҳаси улкан ислохотлар бўсағасида турибди. Яқинда Президентнинг «2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори (20.04.2017 йилдаги ПҚ-2912-сон) қабул қилинди. Ҳужжат соҳанинг истиқболдаги магистрал йўналишини белгилади. Устувор вазифалар куйидагилардир – энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ва ускуналарни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш. Энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш йўли билан номарказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш. Ҳисобга олишни ташкил этиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизмати ҳақини ҳисоблаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш ва ҳ.к. Бу соҳа корхоналари самарадорлигини ошириш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш имконини беради. Кўп йил давомида квартиралар ичида иссиқлик таъминоти тизимлари ўрнатилишини ёқлаб чиқдик. Ушундай норматив база, молиявий-техник имкониятлар мавжуд бўлмаган. Ҳозир соҳа ривожини учун очик йўл. Ўзгаришларни кутяпмиз.

Мавзувий сонни махсус муҳаббатимиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ХУМШ билан боғлиқ катта муаммолар мавжуд. Уларнинг аксарияти мажбуриятларини бажармайди, қўл учиди ишлайди, уй аҳли маблағлари очик-ойдин сарфланишини таъминламайди. Бу кўп квартиралли фонднинг техник ҳолатида акс этади. Уйларни мукаммал таъмирлашга имтиёзли кредитлардан мақсадсиз фойдаланиш далиллари учрамоқда. Масалан, у мукаммал таъмирлаш мақсадида олинади, аслида жорий таъмирлаш ўтказилади. Ёхуд йўпақларни таъмирлашга қарз маблағлари олинади. Икки қавати таъмирланиб, қолганлари қолиб кетади. Афсуски, уй аҳли бундай ҳолатларни лозим даражада назорат қилмайди. Ахир уйлари ҳақида ўзлари қайғуришлари

лозим. Маблағлари самарали сарфланишидан ўзлари манфаатдорлар. Кўп фуқароларнинг умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар юзасидан қарзлари бор. Бу ХУМШ нормал ишлашига имкон бермайди. Ширкат қарзларни фаолроқ ундириши, суд қарорлари бажарилишини талаб қилиши даркор.

Аммо, умид қиламизки, қайд этилган камчиликлар бар-тароф этилади. Зеро, яқинда 2017–2021 йилларда УҚХ соҳаси бошқарувини, кўп хонадонли уй-жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Улар соҳадаги аҳволни тубдан яхшилашга қаратилган.



УҚХ ҳужжатлари

Янги вазирлик иш бошлади

Нихоят, ниятимиз рўёбга чиқди! Уй-жой-коммунал хўжалиги ўз Вазирлигига эга бўлди. Президентнинг 2017 йил 18 апрелдаги Фармони билан қудратли тузилма – ЎзР Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Уйжойкомхизмат вазирлиги) ташкил этилди.

Унинг ташкил этилишини қуйидаги зарурат тақозо этди:

- УҚХ соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

- кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

- уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

- кўп хонадонли уйларни сақлаш талабларига риоя этилиши устидан техник назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш;

- ХУМШнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш.

Унинг тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари туманлардаги (шаҳарлардаги) бўлимлари билан ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиши билан уй-жой соҳасида тартиб ўрнатилишига кўп умид боғланмоқда.

Вазирлик ҳузурида «Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари фаолият юритади.

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Коммунхизмат» агентлиги этиб қайта ташкил қилинади. Унинг зиммасига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида халқаро молия ташкилотлари иштирокида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари юклатилади.

Вазирлик ҳузурида Уй-жой ком-

мунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тузилмоқда.

Президентнинг «2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида» (20.04.2017 йилдаги ПҚ-2912-сон) ва «2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон) қарорларининг қабул қилиниши уй-жой соҳаси учун яна бир муҳим жиҳат бўлди. Ушбу ҳужжатларга мутахассислар тайёрлаган шарҳлар мавзувий соннинг кейинги сонларида чоп этилади.

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Коммунал хизматлар учун ушланмалар – ходимнинг ёзма розилиги билан

«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкентдаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ходимларининг иссиқлик таъминоти (иссиқ сув ва иситиш) хизматлари учун қарзини қоплашда кўмак бериш илтимоси билан мурожаат қилди. «Кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун аҳолининг улкан қарзи энергия ресурслари етказиб берувчи олдидан ўз вақтида тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қилиш, бюджет олдидagi солиқ мажбуриятларини ижро этиш имконини бермаяпти», – дейилади teploenergo.uz сайтидаги мурожаатда.

«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК маълумотларига кўра 2017 йил 1 апрелдаги ҳолатга кўра аҳоли иссиқлик энергияси етказиб берувчиларга 96 млрд сўм атрофида қарз бўлиб қолган. 2016 йил билан солиштирилганда қарзлар атиги 8%га камайган.

Ташкилот ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартибини Низом (АВ томонидан 15.05.2001 йилда 1031-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгилайди. Умуман олганда, бу аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар ҳақини тўлаш усулларида бири бўлиб, кимгадир жуда қулай ва манзур бўлиши мумкин. Тўловчилар таллаш ҳуқуқига эга. Бироқ илгари амалиётда Низом билан белгиланган тартиб бузилиши ҳоллари учраган. Масалан, айрим ташкилотларда ходимлардан коммунал тўловлар бўйича қарзлари йўқлиги ҳақида маълумотномаларни ва тўлов ҳужжатлари нусхаларини тақдим этишни талаб қилганлар. Акс ҳолда иш ҳақини тўламай, бўшатиб юборишларини айтиб пўписа қилганлар, тўламаганларнинг иш ҳақидан бир қисmini қарзини қоплаш ҳисобига автоматик равишда ушлаб қолганлар.

Белгиланган тартиб бузилишига йўл қўймаслик учун Тошиссиққуввати корхоналар томонидан ходимлардан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш қоидаларини эслатади.

Низомнинг 8-бандига кўра, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналарнинг раҳбарлари: ўз ходимлари ўртасида иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан коммунал тўловларни тўлаш тартиби ва имкониятлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишини доимий равишда ўтказишлари; ўз ходимлари ёзма равишда мурожаат қилганида тегишли ҳисоб-китобларни бажаришлари, коммунал хизматлар учун иш ҳақидан ушлангани суммаларни аниқлашлари; маблағлар коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ўтказилганидан кейин иш ҳақидан ушланма амалга оширилган ходимга коммунал тўловлар тўланганини тасдиқлайдиган, корхона бош бухгалтери имзо чеккан ҳужжат топширишлари керак.


Ушбу маблағларнинг коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ўз вақтида ўтказилиши учун корхоналарнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари шахсан жавобгар бўладилар (Низомнинг 9-банди).

Бирлашма ҳар ойда ходимларнинг Ф.И.О., яшайдиган тумани, манзили, жойи, квартиранинг шахсий эhtiтини

(11 та рақамли) кўрсатган ҳолда рўйхатларини тақдим этишда уларда мавжуд қарз тўғрисидаги маълумотларни қайд этади. Ходимларнинг рўйхатини электрон кўринишда (MS Excel форматида бўлгани маъқул) personal1031@teploenergo.uz e-mail манзилига жўнатиш мумкин. Маълумотлар учун телефон: 245-39-06.

Бироқ бир жиҳат савол туғдиради. Хабарда айтилишича, «иш берувчининг ходимлари тўғрисидаги маълумотлар долзарб бўлиши учун ташкилот тизимли асосда ҳар ойда «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКга ходимлари ҳақидаги маълумотлар ўзгарганини (ишга қабул қилингани, ишдан бўшатилигани, манзили ва шахсий счёти ўзгарганини) хабар қилиши керак». Бунда ихтиёрий равишда, ёзма мурожаат асосида коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида тўлашга қарор қилганлар ҳақида сўз бораётган кўринади. Акс ҳолда – яна ўша ҳолат такрорланади.

Марказий банк ва Молия вазирлиги Низомга ўзгартиришлар киритдилар (АВ томонидан 13.04.2017 йилда 1031-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Уларда назарда тутилишича, ходим коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисидаги аризада ўз шахсий счёти, коммунал хизматлар қиймати ва тури, коммунал ташкилот реквизитлари, ушлаб қолиш зарур бўлган даврни ҳам кўрсатиши керак. Ушланманинг умумий миқдори ходимга тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак.





Таҳририят почтасидан

Домофон учун ҳақ тўлашни истамайман

? ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида уй аҳлидан кимдир уйда домофон ўрнатишни таклиф қилди. Кўпчилик бунга рози бўлиб, овоз берди. У қарийб 1,5 млн сўмга тушади, айти пайтда ўз ечимини қутаётган муҳимроқ муаммоларимиз бор. Мен қарши овоз бердим, бироқ умумий йиғилиш қарорини бажаришим шартлигини айтдилар. Ўрнатилиши мажбурий бадал миқдори ошишига олиб келадиган домофондан воз кеча оламанимиз?

В.Бурҳонова.

– ХУМШ уй-жой фондини бир-галикда бошқариш ва уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартиралари уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддаси). Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни бир-галикда зиммаларига олишлари шарт (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси).

Эслатиб ўтамиз:

кўп квартиралари уйнинг умумий жойлари (масалан, холл, арава қўйиладиган жой, ахлат камералари хоналари ва ҳ.к.);

таянч ва тўсиқ конструкциялар (балконлар, пешайвонлар деворлари, тўсиқлари, конструкциялари, фасадларнинг ойнаванд жойлари);

квартиралар оралигидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар;

зинапоялар (йўлакдаги, ташқи, бинога кириш жойлари);

лифтлар;

лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар (масалан, вентиляция);

дахлизлар;

техник қаватлар;

ертўлалар;

чордоқлар ва томлар;

уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари;

жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва битта-

дан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар умумий мол-мулк ҳисобланади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси).

Бироқ домофон ХУМШ аъзоларининг умумий мулкни ҳисобладими? Бу низоли масала. Бир томондан, бу – биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатувчи, ободонлаштириш, яшаш шароитини яхшилаш элементи. Бошқа томондан – усиз яшаш мумкин, уйнинг техник ҳолати, уй-жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бундан азийат чекмайди.

Домофонга якка тартибда фойдаланиш учун мўлжалланган мулк деб қараш мумкин. У уй-жой фаолият юритиши учун зарур эмас, бу умумий мулкка мансублики белгилашда таянч тушунча бўлиб хизмат қилади. Агар уни ўрнатиш мажбурий бўлмаса,

масала фақат уй аҳли хоҳишига кўра ҳал этилади.

Шу сабабли домофон ўрнатишга ХУМШ аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, бу қаршилиқ билдирган турар жой мулкдорлари зиммасига мажбурий юкламаслиги керак. Киши квартирада жиҳоз ўрнатилишидан воз кечишга ҳақли, ундан қўшнилари фойдаланишига бу таъсир қилмайди.

Бундай ҳолда қаршилиқ билдирганларнинг мажбурий бадалидан домофон сотиб олиш, ўрнатиш ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари чиқариб ташлашни керак. Ширкат аъзолари бадаллари миқдорини тегишинча камайтириш ҳақида ХУМШга ариза ёзишлари керак.

Домофонни қурувчи кўп квартиралари уйни қуриш чоғида ўрнатган, у лойиҳада назарда тутилган ва унга мувофиқ умумий мол-мулк рўйхатига киритилган, уй фойдаланишига топши-

рилганда қабул қилинган бўлса, бошқа гап. Акс ҳолда – бу уйи сотиб олишда қатнашган айрим мулкдорларнинг мулки. Агар улар ширкатга уйи сотиб олиш, ўрнатиш ва унга хизмат кўрсатиш ваколатини берган бўлсалар, ХУМШ етказиб берувчи билан шартнома тузади, бунинг барча харажатларини айти шу мулкдорлар кўтарadi.

Домофонга қарши овоз берган мулкдорлар ушбу жиҳоз ўрнатилган эшикдан бепул ўтиш ҳуқуқига эгалар. Бунинг учун уларга қўшимча тўловсиз калитлар берилиши керак.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Келишамиз ёки хизматни буюртирамиз

? Мен йўлакбоши этиб тайинланганман. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида йўлакбошилар йўлакларнинг тозалигини кузатишларига қарор қилинди. Йўлакда 12 та квартира бор. Уларнинг тўққизтасида ижарага олувчилар, учтасида эса кекса кишилар яшайди. Ижарага олувчилар жой мулкдорлари эмас, вақтинча яшовчи сифатида мегишинча муносабатда бўладилар. Йўлакда озодаликни сақлашни истамайдилар. Аксинча, улар орқасидан тозалаб улгурмаймиз. Бир қарасанг, ё қогоз, ё сигарета ташлаб кетган бўладилар, ҳамма ёқни писта пўчоғи билан ивирситадилар. Йўлакларни ким тозалаши керак, қонун ҳужжатларида бу масала қандай тартибга солинган? Ижарага олувчиларни тозалikka риоя этишларига қандай мажбурлаш мумкин?

А.Мансурова.

— Кўп квартиралар уйнинг умумий жойлари, квартиралар ораллигидаги ихоталанган (ўралма) пиллаоялар, зинаоялар, дахлизлар, техник қаватлар ҳам умумий мол-мулк рўйхатида киритилган (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси).

Агар ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш, уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, умумий мол-мулкдан фойдаланишни таъминлаш учун ташкил этилса (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддаси), кўп квартиралар уйдаги умумий мол-мулкни сақлашга доир талаблар йўлакларга ҳам тааллуқли.

Ижарага олувчилар умумий фойдаланиладиган жойларни, шунингдек йўлак ва зина майдончаларини озода ва тартибли сақлашлари шарт (Қондаларнинг 4, 11-бандлари, ВМнинг 28.06.1994 йилдаги 325-сон қарорига 3-илова). Умумий фойдаланиладиган жойларда тозалаш бўйича навбатчилик барча мулкдорларнинг (ижарага олувчиларнинг) ўзаро келишувига кўра белгиланади (Қондаларнинг 19-банди). Яъни йўлакларни тозалаш — жамоанинг масъулияти.

Агар ижарага олувчилар уларда тозаликни сақлашдан бош тортаётган бўлсалар, умумий мол-мулкни

сақлаш учун масъул бўлган квартира мулкдорига мурожаат қилиш мумкин.

Амалиётда йўлакларни тозалаш масаласи қуйидагича ҳал этилади: уй аҳли уни жадвалга биноан ўз кучи билан тозалайди ёки бунинг учун кимдир ёллаб, ўз ҳаётидан ҳақини тўлайди.

Тўғри, йўлакларни тозалашни ширкатга ёки бошқарувчи компанияга топшириш мумкин. Бироқ бунда ушбу иш бажарилишини сметага киритиш керак бўлади, бу мажбурий бадал миқдори оширилишига олиб келади.



Интернет-товламачилик

Эҳтиёт бўлинг: «Энергогербалайф»

Интернет тўлиб кетган шубҳали шов-шувларга содда фуқаролар кўпинча лаққа тушадилар. Доим ҳам булар оддий ماشина ва товламачилик эканлигини тушуниб етмайди киши. Улардан бири, синчиклаб қаралса, бизга Россия ҳудудларидан келиб қолган. Бу энергия тежовчиларнинг ноҳалол рекламаси бўлиб, у Интернетда тўлиб-тошган. Сотувчилар уларни «мўъжиза асбоблар» деб тасвирлашади: гўё улар электр қувватини 50%гача тежайди, электр асбобларнинг хизмат қилиш муддатини узайтиради ва ҳоказо. Бир сўз билан айтганда, «энергогербалайф». Нима эмиш — сотиб олсангиз, бахт қушининг ўзи елкангизга қўнармиш. Реклама чақирғи янада ишончли бўлиши ва истеъмолчиларга таъсир кўрсатиши учун унинг муаллифлари қойилмақом сюжетга эга бўлган афсона ҳам тўқишган ва уни бизнинг воқелигимизга мослаштириб, ҳатто унга миллий колорит бағишлаган. Шундай бўлса-да, бу мўъжизакор асбоб ортдан қувишга ҳеч ким шошилаётгани йўқ. У фақат кишини қулдириши мумкин, холос...



«Шов-шув» муаллифлари дарҳол ташаббусни қўлга олишга қарор қилиб, гўё ФАС (!) (Россиянинг монополияга қарши федерал хизмати) «Ўзбекэнерго» ДАК компа-

ниясига «ўзбошимчалик ва мижозларни ғайриқонуний талаблар» билан қўрқитганилиги учун оз эмас-кўп эмас, нақ 10 млрд сўм (!!!) жарима солганлигини хабар қилди-

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

лар. Бунда ҳатто бир давлатнинг идораси қандай қилиб бошқа давлатнинг идорасига жарима солиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмадилар. Тўқимага кўра бундан олдин бир тошкентлик киши Интернетдан энергияни тежовчи асбобнинг рекламасини топган. Ўзига дарҳол ундан икитасини буюртирган. Гўё кейинги ойдаёқ электр қуввати учун харажат 2 баравар камайган.

Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмади. Гўё «Ўзбек-энерго» ДАКнинг асбобдан фойдаланишни тўхтатиш ва бошқалар каби истеъмол ҳақини тўлаш талаб қилинган хати қувончини йўққа чиқарган. Ана шунда ҳуқуқлари камситилган фуқаро гўё прокуратура ва ФАСга мурожаат қилган, улар мазкур далилни текшира бошлаган. Бунда, воқеа баёнидан маълум бўлишича, истеъмолчи миллий компаниядан шундай хат олган ва ҳуқуқлари камситилган бирдан-бир киши эмаслиги аниқ бўлди.

Охир-оқибатда «адолат» тантана қилди. ФАС гўё «Ўзбек-энерго»га 10 млрд сўм жарима солган. 5 млрд сўм гап-сўзларга кўра давлат бюджетига ўтказилган, қолган 5 млрд сўмини жабрланувчилар ўзаро бўлишиб олишган. Бунда «инновацион техника мўъжизаси»ни тарқатувчилар ҳатто Россия идораси (ФАС) номини миллий номга алмаштиришни ўзларига эп кўрмаганлар.

Ушбу воқеада ўз сўзининг ишонарли чиқиши учун

«Тошкент адвокатлик ҳайъати»нинг «адвокати» фикр билдирди. Гўё энергетика компаниялари «мўъжиза асбоб» рекламасига йўл қўймасликка ҳаракат қиляптилар. Улар фуқаролар унинг ёрдамида электр қувватини тежашга ва 2 баравар кам ҳақ тўлаишига ҳар томонлама қаршилиқ кўрсатганлар. Уни харид қилганларни қўрқитганлар. «Адолатли» жазо олган амалдорлар тўғри жазоланган эмиш.

Кутилаётган яқунловчи хулоса шуки, энергия тежовчини кўрсатилган манзилдан имкон борица тезроқ харид қилиш керак. Ҳозир чегирма амал қиляпти экан, тез орада электр қуввати нархлари ошиши керак ва асбоб қимматлашади.

Тушунтириш сўралиб мурожаат қилинган мутахассислар бизда бундай асбоблар сертификатланмаганлигини маълум қилишди. Техник томонларини-ку қўйиб турайлик, маиший истеъмолчиларда улардан электр қувватини тежаш амалда юз бермайди. Ахир, реклама электр истеъмолини 50%га қадар пайсатиришни ваъда қилганди-ку. Аксинча, унинг сарфи ҳатто анча-мунча кўпайиши мумкин. Фойдага фақат сотувчилар эга бўладилар, улар ана шу арзон хитой буюмларини арзимаган нархларда сотиб оладилар, хабари бўлмаган истеъмолчиларга эса ўн қара қимматга сотадилар. Ҳақиқатан электр қувватини эса ҳамёнбоп ва арзон воситалар билан тежаш мумкин.

Турмушда электр қувватини тежашнинг 12 усули

1. Хонадан чиқаётганда чироқни ўчириг.
2. Афзаллики умумий, яъни «марказий» лампаларга эмас, балки локал чироқларга беринг. Кечкурун ўқиш учун девор шамдондан фойдаланиш тавсия этилади. Ошхонада стол усти лампасини ўрнатган маъқул.
3. Чўпланма лампаларни энергия тежовчи лампалар билан алмаштиринг. Бироқ лампалардан узоқ вақт фойдаланиладиган хоналардагина уларни алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Ваннахона, ҳолатхона, омборхона, балконида энергия тежовчи лампаларга зарурият йўқ.
4. Агар электр асбобларидан узоқ вақт фойдаланилмаса, уларни ўчириг. Техникани «кутиш режими»да ушлаб туриш учун электр қувватининг харажатлари, озгина бўлса ҳам мавжуд.
5. Харид чоғида электр асбоблари ва маиший техниканинг энергия самарадорлиги даражасига эътибор қаратинг. А даражадаги асбоблар энг тежамлидир.
6. Кийимларни 30°C ҳароратда тез-тез ювинг. Агар 40°Cдаги кир ювиш харажатлари билан таққосласак, электр қувватини тежаш қарийб 40%ни ташкил этади. Кир ювиш машинасини нормадан кўп ёки кам юклаш ҳам электр қуввати сарфининг кўпайишига олиб келади.
7. Совуткич учун жойини тўғри танланг. Совуткични хонанинг ташқи девори яқинига қўйиб, унинг ишида сарфланган электр қувватининг қарийб 20–30%ини тежаш мумкин. Совуткич ошхона плитаси, батерея билан ёнма-ён ёки қуёш тигида турмаслиги керак.
8. Тайёрланган таомни совуткичга қўйиш олдида у совутилган бўлиши ва совуткич эшиги зич ёпилганини кузатинг.
9. Совуткични муздан тез-тез тушинг. Ички деворлардаги муз унинг энергия истеъмолини анча кўпайтиради.
10. Ошхона (электр) плитасини таом тайёрлаш тугалланишига бир неча дақиқа қолганда, дазмолни эса – кийимни дазмоллаб бўлишдан бир неча дақиқа олдин ўчириг. Турмушда электр қувватини электр асбобларнинг қолдиқ иссиқлигидан фойдаланиш ёрдамида тежаш анча самаралидир.
11. Электр чойнақда сувни эҳтиёжга қараб қайнатинг.
12. Агар электр қувватидан квартирани иситиш (ёки совутиш) учун фойдалансангиз, эшик ва деразаларнинг мустаҳкам иссиқлик изоляцияси тўғрисида қайғуринг, квартирадан иссиқлик чиқиб кетишига йўл қўйманг.

Хусусийлаштириш қоидаларига кўра

Онам 1986 йилда ўз ташкилотидан квартира олган. 1993 йилда уни хусусийлаштирган. Унинг номига давлат хусусийлаштириш ордери берилган. Уша пайтда квартирада 8 киши: ота-онам, бувим, опам ва унинг бир яшар ўғли, мен ва вояга етмаган укам билан синглим пропискдан ўтган эдик.

1. Хусусийлаштириш пайтида квартирада пропискдан ўтказилган вояга етмаган бола уни хусусийлаштиришга розилик бериши мумкинми? У хусусийлаштириш иштирокчиси ҳисоблангани ва, тегишинча, ушбу квартирада улушли мулкка эгами?

2. Квартирани хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш марказидан маълумотнома нима учун тақдим этилади?

С.Бордунова.

1 1993 йилги хусусийлаштириш пайтида Ўзбекистон ССР Уй-жой кодекси амал қилган. Собиқ Иттифок республикаларининг уй-жой қончилигида назарда тутилганидек, давлат ва муниципал уй-жой фонди таркибидаги уйларида ижара ёки аренда шартномаси шартларида турар жойларни эгаллаб турган фуқаролар биргаликда яшаб турган барча балоғат ёшидаги оила аъзоларининг розилиги билан шу турар жойларни қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ўз мулки қилиб, шу жумладан биргаликда улушбай асосда сотиб олишга ҳақлидирлар (масалан, РСФСР уй-жой кодексининг 54.1-моддаси).

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги ЎзР Қонунида (7.05.1993 йил, бундан кейин – Қонун) ҳам белгиланганидек, ушбу фуқаролар биргаликда яшаб турган барча балоғат ёшидаги оила аъзолари ва турар жой майдонида ҳақи бўлган бошқа шахсларнинг розилиги билан шу турар жойни Қонунда кўзда тутилган шартларда ўз мулки қилиб, шу жумладан, биргаликда ёки улушбай асосда эгаллик қилиш учун сотиб олишга ҳақлидирлар (13-моддасининг 3-банди).

Бироқ ижарачи билан бирга яшаётган ва унинг оила аъзоси ёки собиқ оила аъзоси бўлиб ҳисобланган вояга етмаган шахслар ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш-

лари сабабли улар эгаллаб турган турар жойлари хусусийлаштирилган тақдирда, вояга етган фойдаланувчилар билан тенг равишда шу турар жойга нисбатан умумий эгаллик ҳуқуқига эга бўладилар.

Турар жой оила аъзоларининг бири томонидан бепул хусусийлаштирилган тақдирда ҳам юқорида кўрсатилган шахслар шу асосларга кўра умумий мулкнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиб қоладилар (Олий суд Пленумининг 2.05.1997 йилдаги 3-сон қарорининг 16-банди).

2 Хусусийлаштирилган турар жой (квартира ёки уй) эгаси вояга етган оила аъзолари ва хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг розилиги билан уни сотиши, айирбошлаши, ҳада қилиши ёки ижарага, арендага бериши мумкин (УЖКнинг 32-моддаси 6-қисми; Қонуннинг 13-моддаси 4-банди). Хусусийлаштирилган уй-жойни бошқаларга беришда мулкдор бошқа ҳужжатлар қаторида ЎзР Давлат рақобат қўмитасининг¹ ҳудудий органидан² алоҳида уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома тақдим этиши керак (Низомнинг 6-банди, ВМнинг 4.04.1994 йилдаги 180-сон қарорига 1-илова). Ушбу маълумотнома асосида, одатда, хусусийлаштиришда иштирок этган шахслар доирасини белгилаш мумкин.

¹Президентнинг 18.04.2017 йилдаги ПФ-5016-сон Фармони билан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилган.

²Тошкентда бу – «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» ДУК.

Мезон имкон берса

Олий ўқув юртида контракт асосида ўқувчи талаба бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ҳар ойлик нафақа олмоқчи.

Талаба бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ҳар ойлик нафақа олиш учун қарерга мураккаб қилиши ва қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

Б.Ибодуллаев.

– Бюджетдан ташқари корхоналарда ишловчи оналарга бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ҳар ойлик нафақа иш жойидан тайинланади ва тўланади (АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

Агар она ишламаса (сизнинг ҳолатдагидек) ёки бюджетдан молияланадиган ташкилотда ишласа, нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (маҳалла) томонидан тайинланади ва тўланади (Низомнинг 1-банди, ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова). Бироқ оила дарҳақиқат

нафақага муҳтож бўлса, маҳалла уни тайинлайди. Эҳтиёжмандлик мезонлари ва нафақа олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар Низом билан белгиланган. Ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оила эҳтиёжманд деб ҳисобланади (44-сон Низомнинг 8-банди).

Нафақа олиш учун фуқаролар йиғини раиси номига тегишли ариза бериш ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш зарур:

– белгиланган шаклдаги оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар (44-сон Низомга 3-илова) ҳамда ушбу даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (44-сон Низомнинг 13-банди).

Аризани оила ушбу нафақани олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай бериш лозим (44-сон Низомнинг 14-банди).

Ариза маҳалланинг махсус комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Агар оила аъзоларининг ўртача ойлик жами даромад миқдори нафақа тайинлашини тақозо этса, комиссия оиланинг моддий ва мулкый ҳолатини текширади. Шундан кейин нафақани тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади (44-сон Низомнинг 17-банди).

Корхонада меҳнат шартларини ўзгартириш тартибини назарда тутувчи жамоа шартномаси ҳам, бошқа локал ҳужжат ҳам йўқ, касабга уюшмаси қўмитаси ва меҳнат нозолари бўйича комиссия ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи мавжуд эмас.

1. Иш берувчи меҳнат шартлари ўзгартирилиши ҳақида огоҳлантириш бўйича мажбуриятини бажармаганда ходим ўз ҳуқуқларини ҳимоялашни сўраб қарерга муурожаат қилишга ҳақли?

2. Прокурор назоратининг Меҳнат инспекцияси назорат функцияларидан фарқи нимада?

Н.Наимов.

Назорат устидан назорат

1 Меҳнат кодексининг меҳнат шартлари ўзгартирилиши ҳақида ходимни огоҳлантириш тўғрисидаги талабига риоя этмаслик меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш сифатида баҳоланади ва мансабдор шахсга ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиш кўринишидаги МЖТКнинг 49-моддасида назарда тутилган жавобгарликка олиб келади.

Сиз мазкур масала бўйича Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (Меҳнат вазирлигининг таркибий бўлинмаси), прокуратурага ёхуд иш берувчи жойлашган жойдаги судга муурожаат қилишга ҳақлисиз.

2 Иккинчи савол ярим асрдан зиёд вақтдан буён давом этиб келаётган назарий баҳсларга дахлдор. «Прокурор назорати» ва «назорат органларининг назорати» тушунчалари уларнинг маъносини одатий тушунишда мос келади, умумий жиҳатлари ҳам кўп. Шу сабабли олимларнинг муайян гуруҳи уларни катъий чеклаш керак эмас, балки тегишинча давлат бошқаруви функцияси ва ёрдамчи функцияси сифатида эътироф этиш лозим дея ҳисоблайди¹.

Дарвоқе, давлат тилида иккала ҳолатда битта – назорат сўзидан фойдаланилади, рус тилида эса «надзор» ва «контроль» сўзлари қўлланилади.

Бироқ прокурор назорати ва назорат органларининг назорати фарқланади деган ёндашув устун саналади. Бунда назорат органига хос назорат остидаги органнинг оператив фаолиятига аралашшиш ва айбдорларни мустақил равишда ҳуқуқий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи асосий фарқловчи аломат ҳисобланади².

Буни амалиётда кўриб чиқиладиган вазиятга нисбатан қўллаганда шу ва бошқа органни текшириш усуллари деярли бир хил эканлигини аниқлади. Айбдор шахсларни жазолаш масаласида эса (агар МЖТКнинг 49-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик далили аниқланса) Инспекция уларга нисбатан мустақил жазо қўллаши мумкин, прокуратура эса бунинг учун иш материалларини худди шу Инспекцияга бериши лозим.

Маҳкам Воҳидов,
юридик фанлар номзоди,
«Norma Online» эксперти.

¹Студеникина М.С. «Государственный контроль в сфере управления: проблемы надведомственного контроля». Юрид. лит., 1974, 160-бет.

²Гарашчук В.М. «Контроль и надзор в государственном управлении». Фолио, 2002, 176-бет.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.



Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

соҳасидаги қатор лицензияларни олиш мумкин бўлади. Шунингдек 2018 йилда ер участкаси ажратиш тўғрисида қарорлар (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари) марказлар орқали берила бошлайди ва ҳ.к.

Кейинроқ, 2019 йилда божхона соҳасида қатор ҳужжатларни жорий қилиш режалаштирилмоқда: товарни «Давлат фойдасига воз кечиш» божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома, божхона омбори таъсис этишга лицензия, шунингдек божсиз савдо дўконини таъсис этишга лицензия ва «Эркин омборхона» божхона режимда омборхона таъсис этишга лицензия.

Бундан ташқари, марказда сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг сугурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ҳамда аудиторлик, баҳолаш, риэлторлик ёки биржа фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (валюта биржаси фаолияти бундан мустасно) ва бошқа қатор ҳужжатларни олиш мумкин бўлади.

2020 йилдан бошлаб даъвогарлар «ягона дарча» марказларига туризм фаолиятини амалга ошириш учун лицензияни, шунингдек автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атро-

фида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш учун лицензияни олиш учун муурожаат қилишлари мумкин бўлади. 2020 йил 1 июлдан марказлар юридик шахслар – резидентлар томонидан чет элда ҳисобрақамларини очишга рухсатнома беришни бошлайдилар.

Ваколатли органлар томонидан жадвалда кўрсатилган муддатлар етиб келгач, бевосита тадбиркорлик субъектларидан давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги аризаларнинг қабул қилиниши тўхтатилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинди

Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2017 йилдаги 245-сон қарори билан Ҳукуматнинг айрим қарорларига якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжатга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинди.

Имтиёз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар, мис ва ундан ясалган буюмлар, шунингдек табиий газни экспорт қилувчи (шу жумладан транзит қилувчи) якка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилмайди.

Бундан ташқари, охириги 50 йил ичида яратилган ва олиб чиқиб кетиш учун сертификат талаб этилмайди-ган халқ бадийи хўнамандчилиги ва амалий безак санъати буюмлари рўйхати аниқлаштирилди.

Бадийи экспертизалар ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатлар бериш қиймати ЭКИХнинг 2%гача (илгари – 5% эди) камайтирилди. Хўнамандчилик фаолияти билан шўғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўзлари яратган амалий безак санъати буюмлари бадийи экспертизадан ўтказилганлиги ва уларга ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги учун махсус йўғим ЭКИХнинг 10%ини ташкил этади. Илгари йўғим миқдори ЭКИХнинг 75%гача ётар эди.

Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma Online» экспертлари.

КАДРЛАР БЎЛИМИ

Кадрлар хизматлари ходимлари диққатига!

Яқинда таътил мавсуми бошланишини эслатиб ўтамиз. Йиллик таътиллارни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Одатда, ташкилот бўйича умумий таътиллارни бериш жадвалини ёки ҳар бир бўлинма бўйича алоҳида жадвалларни тузишга йўл қўйилади. Асосийси – йиллик таътиллارни бериш навбати ва жадвални тасдиқлаш тартибини бузмаслик лозим.

Жадвалда ходим таътилга чиқмоқчи бўлган ойна эмас, балки аниқ санани кўрсатиш зарур, сабаби таътил бериш вақти ҳақида ходим у бошланишидан камиди 15 кун олдин хабардор қилиниши керак (МКнинг 144-моддаси).

Ходимларнинг ўтган даврларда олмаган таътиллари жадвалга киритишни ҳам унутманг.

Агар ходим таътил бошланиши ҳақида ўз вақтида хабардор қилинмаган бўлиб, у жадвал бўйича таътилга чиқмаган бўлса, бу иш берувчи йўл қўйган қонунбузарлик саналади. Шу сабабли ходимни таътилдан фойдаланиш ҳуқуқидан ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганда уни компенсациялашдан маҳрум қилиб, бундай қонунбузарлик учун уни жазолаш адолатсиз бўлибгина қолмай, балки ҳуқуққа зид ҳисобланади. Бундай хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Конституциясида ва ЎЗР Меҳнат кодексининг VIII боби 2-параграфидида белгиланган ходимнинг дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш ҳуқуқини поймол этади.

Абдусалом Рисқуллаев, «Norma Online» етакчи эксперти.

Таътил пули ҳисоб-китоби

Жамоа шартномасига кўра корхонада таътиллار тўғрисида низоом қабул қилинган, унга мувофиқ ходимларга 30 календарь кун давом этадиган йиллик ҳақ тўланадиган таътил берилади. Шунингдек таътил пулини ҳисоблашнинг қуйидаги тартиби белгиланган: ходим меҳнат таътилига чиқаётганда ўртача иш ҳақи таътилга чиқишидан олдин тўлиқ ишлаган охириги 3 ойда унга қўшимча тўловлар ва бир марталик тўловларсиз ҳисобланган иш ҳақидан ҳисобланади. Бунда ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда таътиллари бериш тизимига риоя этилади: реал таътил 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак; таътил кунлари учун тўловга белгиланган тартибда солиқ солинади. Корхонадаги таътиллар тўғрисидаги низоомда таътилга чиқишдан олдин тўлиқ ишланган охириги 3 ой учун қўшимча тўловлар ва бир марталик тўловларсиз ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб таътил пулини ҳисоблаш тартибининг белгиланиши тўғрими?

А.Костецкая.

– Йўқ, бу ҳуқуққа зид.

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Улардаги нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин (МКнинг 4-моддаси).

Йиллик таътиллар даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади (МКнинг 148-моддаси). У ҳисоб-китоб кунидида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда мазкур даврда ундан ортув-

чи сумма қисмини 1/12 га (ёхуд ҳисоб-китоб даврида ишланган даврга қараб бошқа миқдорга) оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ушбу сумма ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақида қўшимча ҳақлар ва ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлардан таркиб топади (Тартибнинг 1-банди, ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 6-илова).

Сиз тилга олган локал ҳужжатда таътиллар ҳақини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблашнинг бошқача, қонун ҳужжатлари билан солиштирилганда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини текловчи тартиби белгиланган. Хусусан, қўшимча тўловлар ва бошқа

тўловларни ҳисобга олмасдан ҳисоб-китоб қилиш назарда тутилган, бу қонун ҳужжатларининг юқорида тилга олинган нормалари талабларини аниқ бузишдир.

Ушбу корхона Таътиллар тўғрисидаги низомидаги ходимларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан камроқ меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини белгилловчи барча бандлари ноқонуний ҳисобланади.

Корхонада таътиллар тўғрисида локал ҳужжатни ишлаб чиқишда МК ва Тартибнинг юқорида кўрсатилган талабларига амал қилиш лозим.

Маҳкам Воҳидов, юридик фанлар номзоди, «Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва сақланган.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз бечини – А3. Ҳажми – 2 бома табос, Баҳоси келишилган нарқда.
Буюртма 954. Адади 1 150. Газета 2017 йил 6 май соат 19.30 да топширилди.